



TEACHER MUALIM УЧИТЕЛЬ



Tadqiqot.uz



VOLUME 2, ISSUE 1



2021

Bosh muharrir:
Главный редактор:
Chief Editor:

Karimov Farkod Erkinovich
Siyosiy fanlar bo'yicha falsafa doktori,
dotsent, A. Avloniy nomidagi malaka
oshirish instituti prorektori

Bosh muharrir o'rinnbosari:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Jumanazarov Sirojiddin Salaydinovich
Texnika fanlari nomzodi, Toshkent
shahar XTXQTMOH markazi dotsenti

Muallim jurnalni tahririy maslahat kengashi
Редакционный совет журнала Учитель
Editorial Board of the Journal Teacher

Yeldasheva Gulnoz Vasiljanovna
Pedagogika fanlari nomzodi, Toshkent shahar
XTXQTMOH markazi kafedra mudiri

Xaydarov Baxodir Qayumovich
Fizika matematika fanlari nomzodi, Toshkent shahar
XTXQTMOH markazi v.b. professor

Mahkamov Anvarjon Abdujabborovich
Texnika fanlar bo'yicha falsafa doktori, Toshkent
shahar XTXQTMOH markazi kafedra mudiri

Baybayeva Muxayyo Xudaybergenovna
Pedagogika fanlari nomzodi, A. Avloniy nomidagi
malaka oshirish instituti "Pedagogika va
psixologiya" kafedrasi dotsenti

Babanazarov Kalbay Rustamovich
yuridik fanlari nomzodi, A. Avloniy nomidagi
malaka oshirish instituti "Ta'limni boshqarishning
huquqiy va iqtisodiy asoslari" kafedrasi mudiri.

Xidoyatova Dilafruz Abdugaffarovna
Pedagogika bo'yicha falsafa doktori (Ph.D),
A. Avloniy nomidagi malaka oshirish instituti
"Pedagogika va psixologiya" kafedrasi dotsenti.

Xakimova Dildora Mashrabjonovna
Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori,
A. Avloniy nomidagi malaka oshirish instituti
"Ta'limni boshqarish nazariyasi va amaliyoti"
kafedrasi dotsenti

Mamatqulov Davlatjon Maxamatjonovich
Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (Ph.D).
Toshkent, A. Avloniy nomidagi malaka oshirish
instituti Ma'naviyat kafedrasi mudiri

Axmedov Murodjon Ubaydullaevich
Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori, PhD,
A. Avloniy nomidagi malaka oshirish instituti
"Ta'limni boshqarish nazariyasi va amaliyoti"
kafedrasi mudiri

Ergasheva Malohat Tursunovna
Pedagogika va psixologiya kafedrasi mudiri,
biologiya fanlari nomzodi, dotsent A. Avloniy
nomidagi malaka oshirish instituti "Pedagogika va
psixologiya" kafedrasi mudiri

Pulatova Dildora Turgunovna
Pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori, PhD,
A. Avloniy nomidagi malaka oshirish instituti"
kafedrasi mudiri

Nazarova Dildora Asatovna
Pedagogika fanlari nomzodi, dotsent, A. Avloniy
nomidagi malaka oshirish instituti "Korreksion
ta'limi tashkil etish va boshqarish" kafedrasi mudiri

Abdullayeva Maxprat Nurmatovna
A. Avloniy nomidagi malaka oshirish instituti Xorijiy
tillar kafedrasi mudiri

Page Maker | Верстка | Сахифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Parmanova Farida LINGUOCULTURAL ASPECT OF ALLUSIVE PHRASEOLOGICAL UNITS IN THE ENGLISH LANGUAGE.....	5
2. Sultonova Shaxnoza DAVR RUHI VA AVLODLAR VAQTINING MUTANOSIBLIGI.....	8
3. Rakhmonova Laylo PARTS OF THE BODY.....	11
4. Наркузиева Зебо РАЗЛИЧИЯ И СХОДСТВО МЕЖДУ ПРЕПОДАВАТЕЛЯМИ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА ДЛЯ СПЕЦИАЛЬНЫХ ЦЕЛЕЙ (ESP) И АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА ДЛЯ ОБЩИХ ЦЕЛЕЙ (EGP).....	15
5. Abdurahimova Shakhnoza ADVENTURES: LOST AT SEA.....	22
6. Omonova Shahnoza XORIJUY TILLARNI O'QITISHDA GRAMMATIKA VA LEKSIKA UYG'UNLIGI.....	26
7. Abdijabborova Ozodaxon INNOVATSION TA'LIM TEXNOLOGIYALARINI PEDAGOGLARNING KASBIY MAHORATLARINI TAKOMILLASHTIRISHDA FOYDALANISH.....	29
8. Raxmonova Gulmira AYLANMA HARAKAT KINEMATIKASI VA DINAMIKASI.....	32
9. Abdumannonov Xojiakbar, Mirzajonov Tolibjon “BAXT VA XURSANDCHILIK” SEMANTIK MAYDONIGA EGA FRAZEOLOGIK BIRLIKLARNING QIYOSIY TAHLILI (o'zbek va ingliz tillari misolida).....	35
10. Ганиева Шоира МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН КИМЁВИЙ МАСАЛАЛАРНИ ТУШУНТИРИШДА ТУРЛИ МЕТОДЛАРНИ ҚЎЛЛАШ.....	40
11. Bozorova Iroda FUTBOL O'YIN TEHNİKASI.....	44
12. Axmedova Sabohat ALISHER NAVOIYNING HAYOTI VA IJODIY FAOLIYATI.....	48
13. Yuldasheva Gulbaxor MS EXCELDA MATEMATIK AMALLAR VA FUNKSIYALARNI QO'LLASH.....	52
14. Bekchanova Shoira UZLUKSIZ TA'LIMDA MASOFAVIY TA'LIM JARAYONINI MOBIL ALOQA VOSITALARI YORDAMIDA SAMARADORLIGINI OSHIRISH.....	57

15. Andayeva Malohat	
ASQAD MUXTORNING “CHINOR” ROMANINI YANGI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O’RGANISH.....	61
16. Hayotov Davlat	
BOSHLANG’ICH SINF O’QISH DARSLARIDA MATN USTIDA ISHLASH.....	64
17. Волхонская Галия	
МАТЕРИНСКОЕ МОЛОКО.....	67
18. Баётдинов Рајаж	
РОЛЬ УСТНОГО НАРОДНОГО ТВОРЧЕСТВА В ВОСПИТАНИИ МОЛОДЕЖИ.....	71
19. Абдулахатов Акрам	
КУРАШНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ.....	76
20. Usmonova Mehriniso	
THE USE OF INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN LANGUAGE LESSONS.....	80
21. Xudoyberganov Javlonbek	
KURASHCHILARNING TEZKORLIK VA CHIDAMLILIK JISMONIY SIFATLARINI RIVOJLANTIRISH USLUBIYATLARI.....	82
22. Tillaqo’ziyeva Dilnoza	
ROST VA YOLG’ON MULOHAZALAR.....	87
23. Shamuratova Zuxra	
ELASTIKLIK KUCHLARI.....	93
24. Сафарова Феруза	
РОЛЬ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В РАЗВИТИИ РУССКОЙ РЕЧИ В НАЦИОНАЛЬНЫХ ГРУППАХ.....	97

MUALLIM УЧИТЕЛЬ TEACHER

Абдулахатов Акрам Рузмаматович
дотцент в.б. Тош.вил. ЧДПИ.

КУРАШНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-0850-2021-1-19>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада курашнинг миллий ва умуминсоний қадрият эканлиги, тарихий шаклланиши ва унинг ривожланиши жараёнида яратилган ва авлодларга муқаддас мерос сифатида ўтиб келаётган бебахо бойлик эканлиги мутахасис томонидан батафсил маълумот берилган.

Калит сўзлар: Кураш, жисмоний маданият дарслари, кураш дарслари, миллий қадриятлар, умуминсоний қадриятлар, миллий спорт тури, жисмоний тарбия ва спорт, жисмоний соғлом киши, тарбия, полвон.

Абдулахатов акрам рузмаматович
Чирчикский государственный педагогический институт

ИСТОРИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ БОРЬБЫ И ЕЕ МЕСТО В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ

АННОТАЦИЯ

В данной статье специалист подробно останавливается на том, что борьба является национальной и общечеловеческой ценностью, созданной в процессе исторического становления и развития и передаваемой поколениям как свяченное наследие.

Ключевые слова: борьба, занятия физической культурой, занятия борьбой, национальные ценности, общечеловеческие ценности, национальный спорт, физическое воспитание и спорт, физическая здоровая личность, воспитание, пальваны.

Abdulaxatov akram ro'zmamatovich
Chirchik State Pedagogical Institute

HISTORICAL DEVELOPMENT OF WRESTLING AND ITS PLACE IN THE EDUCATION SYSTEM

ABSTRACT

In this article, the expert dwells in detail on the fact that the struggle is a national and on to generations as a sacred heritage.

Keywords: wrestling, physical culture classes, wrestling classes, national values, universal values, national sport, physical education and sport, physical healthy personality, education, wrestlers.

Давлатимиз томонидан мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама етук ва интеллектуал салохиятли қилиб вояга етказишга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Таълим тизимидағи кенг кўламли ислоҳотлар “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастири” ва қатор муҳим хужжатлар ҳаётга босқичма-босқич тадбиқ этилиб, соҳанинг барқарор суръатлар билан ривожланишида, таълим самарадорлигининг ошиб боришида мустаҳкам омил бўлди. Ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда ҳалқнинг бой маданий-тарихий анъаналариға, урф - одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларига асосланган самарали ташкилий-педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этиш кераклиги кўрсатилган. Шунинг учун ҳам бугун мамлакатимизнинг барча таълим муассасаларида: боғча, умумтаълим мактабларида, лицей, коллежларда, Олий таълим муассасаларида, БўСМ, ИОЗМИ, олий спорт махорати мактабларида курашни ўргатиш, юксак спорт санъати махоратига эришиш ва уни янада ривонжлантиришга катта эътибор берилмоқда

Президентимизнинг 2017 йил 2 октябрдаги “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги тарихий Қарорида сўнгги йилларда эришилган натижалар билан бирга мазкур спорт турининг янада ривожланишига тўсқинлик қилаётган камчиликлар, уларни бартараф этиш, курашни аҳоли, айниқса, вояга етмаганлар, ёшлар ўртасида янада ривожлантириш ҳамда оммалаштириш, ўсиб келаётган авлодда миллий ифтихор ва ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаш, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жаҳон спорт майдонида юкори натижаларга эришишни таъминлаш бўйича қатор вазифалар белгилаб қўйилди.

Кураш фалсафаси- бу аввало, ҳар бир ёш ўзининг ғурурини, ору-номусини рақиб ва муҳлислари олдида кучи, илмини ишлатиб ҳимоя қилишдан иборат ҳаққоний баҳслашишдир. Ана шу жараён кейинчалиқ, ҳар бир ёшда миллатга, мамлакатга бўлган меҳр-садокатни, фахрни, ғурурни ҳам шакллантиради. Бундай жараёнда вояга етишган инсонлар миллати ва юритига садокатли кишилар бўлиб вояга етадилар.

Кураш фалсафаси кенг қамровли ва кўп қирралидир. У жисмоний маданиятнинг маънавий асослари масаласи билан уйғуллашиб кетади. Бу борада мамлакатимизнинг бир қатор олимлари изланишлар олиб борганлар. Хусусан кураш илмини ўрганиш ва унинг фалсафий, ижтимоий ва маънавий асосларини ёритиб бериш борасида муайян даражадаги тажриба тўплланган. Ж.Т.Турсунов, Х.Т.Рофиев, Ү.И.Иброҳимов, Ж.Тошпўлатов, А.Қ.Атоев, Т.Одилов, О.Тоймуродов, Ж.Нуршин Ф.Қ.Аҳмедов каби олимлар ишларида кураш фалсафаси ва унинг педагогик аҳамияти тўғрисида қимматли маълумотлар берилган. Республика ва ҳалқаро миқёсидаги кўплаб анжуманларда қилинган маърузаларда мавзуга тегишли фикр-мулоҳазалар билдириб ўтганлар.

Курашнинг тарихи олис ўтмишга бориб тақалади. Кураш асрлар мобайнида мардлик, инсонийлик фалсафасини тарғиб қилиб келган. Кураш қоидаларида мардлик, ҳалоллик, тўғрилик, ғолиблик ва мағлублиятни тан олиш, гиламни, ракибни, мураббийларни, томашабиниларни, ҳакамларни хурмат қилиш каби спорт этикаси ва фалсафаси сингдирилган спорт тури ҳамдир.

Кураш адолатли усул билан мақсадга эришишни англатади. Маълумки, мазкур спорт тури кўп асрлар муқаддам Ўзбекистон ҳудудида вужудга келган. Юонон тарихчиси Геродотнинг “Тарих” ҳамда Абу Али ибн Синонинг “Тиб конунлари” асарларида у билан шуғуланиш инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, руҳини тетиклаштиришда катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида фикр юритилган. Бинобарин, ўн тўртинчи асрдаёқ Амир Темур ўзининг музaffer қўшинида жисмоний тайёргарлик ҳамда мудофаа қобилиятини кучайтиришда курашдан унумли фойдаланган.

Кураш пайдо бўлиши билан энг оммабоп спорт турларидан бирига айланди. Хусусан, тўйю томошалар, Наврўз байрамларида кураш машхур кўнгилочар ўйинлар қаторидан жой олган. Шу боис унинг техникаси ва фалсафаси авлоддан-авлодга бекаму кўст ўтиб келаяпти.

Кураш пайдо бўлиши билан энг оммабоп спорт турларидан бирига айланди. Хусусан, тўйю томошалар, Наврўз байрамларида кураш машхур кўнгилочар ўйинлар қаторидан жой

олган. Шу боис унинг техникаси ва фалсафаси авлоддан-авлодга бекаму кўст ўтиб келаяпти.

Курашнинг ривожланиши нафақат ёшлар ўртасида, балки қариялар ўртасида ҳам ташкил этилиши, шуғулланувчилар ўртасида маънавий соғлом турмуш тарзини таркиб топтиришга олиб келмоқда. Кураш бўйича мураббийлар томонидан нафақат натижалар орқасидан қувиш, балки кураш маънавиятимизнинг ва қадриятимизнинг ажралмас қисми бўлганлиги туфайли ҳам ёшлар ўртасида кураш маънавияти, фалсафаси босқичма-босқич шакллантирилиб борилмоқда.

Курашнинг шахс тарбиясидаги ўрни, унинг педагогик аҳамияти юқори даражада. Мазкур фикрларни тўлақонли тасдиқлаш учун кураш қоидаларида назарда тутилган ҳолатларни тавсифлаш ўринли.

Кураш спорт тури ор-номус ҳалоллик, ватанпарварлик, олийжанблиқ, бағрикенглик, каби ҳалқимизга хос фазилатлирни ўзида мужассам этгани билан алоҳида аҳамиятлидир. КХА ва унга аъзо Осиё, Океания, Европа, Африка, Панамерика Кураш конфедерациялари томонидан кураш бўйича жаҳон ва қитъя чемионатлари, ҳалкаро турнирлар юксак савияда ташкил этилмоқда. Бу миллий спортизм анъаналарини дунё бўйлаб тобора кенг тарғиб этишида мухим аҳамият касб этмоқда.

Кураш, албатта, икки кишининг ўзаро куч синаши, бири иккинчисини енгиш учун қиласиган ҳаракатларгина эмас, бунинг ўз фалсафаси, мазмуни, моҳияти бор. Унга мардонаворлик хос, у полвонни, енгиши, енгилишидан қатъий назар, хурмат қиласиган спорт туридир.

Кураш машғулотлари ва мусобақалари том маънодаги фалсафий асосларга эга. Унинг мухим жихати шундаки, бунда шахс биринчи ўринга қўйилади. Шу сабабдан ҳам кураш назарияси ва амалиётидаги инсон ва унинг баркамол авлод бўлиб вояга етиши ўйгунлаштирилган.

Курашнинг бу қадар ривожланишига сабаб, **биринчидан** кураш миллий қадриятимиз бўлганлиги бўлса, **иккинчидан**, кураш ҳар бир ёшдаги спортчига, спорт мухлисларига кураш фалсафасини шакллантириб, уларда ички руҳий тарбияни ривожланишида ҳамда ўзлигини хис этишда аҳамиятли педагогик жараёндирдир.

Кураш ғоялари ва тамойиллари адолатли бўлганлиги учун ҳам инсондаги хис-туйғуни юқори даражага кўтаради. Кураш ҳалқимизнинг қонида, ирсиятида мужассам бўлганлиги туфайли шахс маънавий тарбиясига бевосита алоқадор.

Кураш кўпроқ куч эмас, ақлий салоҳият, маънавий қарашлар мажмуи эканини шундан билиш мумкин-ки, полвонлар жамиятда оғир-босиқлик, тантилик тимсоли, шунга содик бўлишга интилади. Ўзбек тилида "полвон" сўзи ҳар доим тантилик, мардлик, жумардлик каби сўзларнинг синоними бўлиб келган.

Курашчилар тўғрисида азал-азалдан ривоятлар тўқилган. Полвонлик ҳалқимизга кўхна замонлардан, олис аждодларимиздан қолган улуғ меросдир. Бугун ҳам ана шу мерос миллий қадрият авлодлар кўлида эъзозланмоқда ва эъзозланиб қолаверади. Тарихда полвонларни эл юрт эъзозлаб қадрини баланд кўтариб келган. Бизнинг замонамиз баҳодир ва ҳимоячиларимиз бўлган полвонлар ва ботирларга азалдан бой ва ҳалқимиз уларни меҳр билан парвариш қилиб келмоқда. Аввало курашчиларнинг бир-бирига таъзим қилишлари инсоний фазилатларнинг энг муқаддаси бўлган хурмат белгисидир. Курашчилар кураш гиламида гина рақиб эканлигини билгани ҳолда бир-бирларига таъзим қилишади. Уларнинг бундай муносабатлари замираидаги инсонга булган хурмат мужассамлашган. Аслида "кураш" сўзи ҳалоллик ва тўғриликни ифодалайди. Кураш орқали жаҳон спорт майдонларида ўзбек сўзлари жаранглаётгани ҳакида кўп айтилади. Асосийси, ушбу сўзлар ифодалайдиган маънода. Курашда полвон олиши мумкин бўлган энг юқори баҳо - "Ҳалол". Курашимиз кадимдан ёшларимизни ҳар томонлама маънавий ва жисмоний ривожланишини таъминлаб келган бўлса, энди 130 дан ортик мамлакат ёшларини ҳар томонлама маънавий, илмий, фалсафий ва жисмоний ривожланишларига хизмат қилиб келмоқда.

- ✓ Ўтказилган тадқиқодларга қўра шундай хулосаларга келинди;
- ✓ Кураш қоидалари ва фалсафаси инсонпарварлик ғояларига асосланган;

- ✓ Кураш энг самарали ва намунали тарбия воситаси;
 - ✓ Курашнинг мардлик, жасурлик, ҳалоллик, камтарликни талаб этадиган спорт тури;
 - ✓ Кураш спортчидан жисмоний жихатдан ўта даражада етукликни талафути этади;
 - ✓ Кураш спортчидан маънавий баркамолликни талаб этади;
 - ✓ Кураш фалсафаси, моҳияти ва унинг жозибаси бутун дунёга ўргатишни талаб этади;
 - ✓ Кураш спорти шахс маънавий тарбиясига бевосита алоқадорликни талаб этади;
 - ✓ Кураш техникаси ва фалсафаси авлоддан-авлодга бекаму кўст ўтиб келувчи спорт тури эканлигини ;
- Олиб борилган тадқиқодларга таяниб қуйидаги тавсияларни бериш мумкин:
- ✓ Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида тайёрланадиган мутахасисларга кураш усуслари ва унинг тарбиявий хусусиятларини сингдириш;
 - ✓ Курашни мактаб, академик лицей, Олий ўкув юртлари талабалари жисмоний тарбиясига янада кўпроқ тадбиқ этиш;
 - ✓ Курашнинг тарбиявий ва фалсафий жихатларини чукур ўрганиш;
 - ✓ Таълим тарбия жараёнида кураш спорт турини илмий – назарий таҳлил этиш;
 - ✓ Курашимиз кадимдан ёшларимизни хар томонлама маънавий ва жисмоний ривожланишини таъминлаб келган

Жисмоний маданият тизимини янада такомиллаштириш, уни жаҳон андозаларига якинлаштириш орқали миллий спорти турмиз кураш - Осиё, жаҳон, олимпия ўйинлари сари одимлаб юксак погоналарга кўтарилемоқда.

Хулоса килиб айтганда, кураш спорт тури бўлиши билан биргаликда инсон маънавий –ахлоқий тарбия воситаси хамdir. Таълим-тарбия, спорт мусобақалари жараёнларида ёшларга кураш миллатимизнинг фахри, ифтихори эканлигини, унинг шахсни хар томонлама маънавий, жисмоний уйгун ривожлантиришда тутган ўрни ва илмий маълумотлардан кенг фойдаланиш максадга мувофик хисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кураш» Миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори. 2017 йил 2 октябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4881 “Кураш Миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг халқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғриси”да Қарори. 2020 йил 4 ноябрь.
3. Ахмедов Ф.Қ, Абдулахатов А.Р.” Ўзбек кураш миллий ва умуминсоний қадриятлар дурдонаси”. Тошкент 2017 йил.
4. Абдулахатов А.Р. Курашни қадрият сифатида ўрганиш замон талаби. Педагогик маҳорат журнали №2 (апрел 2019) Бухоро.
5. Абдулахатов А.Р. Очилов Э.О. Олий таълим муасссалари талабаларига курашнинг тарбиявий ахамиятини ўргатиш йўллари. Муғаллим хэм узлуксиз билимленидириў №1/1 Некис-2020.

MUALLIM

УЧИТЕЛЬ

TEACHER

№1 (2021)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000